

Тундалик



15:00 / 31.12.2021 1901

Бу ҳақда аламлар битиб, жароҳатлар тузалгандан кейин ёзяман.

Инсоннинг кўнгли момик ва нозик патдан ҳам юмшоқ бўлади. Унга етказилган жароҳатлар уни синдириб, чилпарчин қилади.

Бу синиш танага етган жароҳатдан ҳам оғриқли бўлади. Айниқса, уни ичга ютилганда, саломга яраша алик олинмаганда. Айниқса, мақсад фақат яхшилик бўлса, бирор кишига ёмонлик соғинилмаса.

Кўнгилни синдиришдан ҳам оғирроқ жиноят бўлмаса керак. Лекин менга етказилган оғриқ учун ҳеч кимга даъвогар эмасман. Аллоҳ ҳаммамизни кечирсин, сизнинг ҳаққингизга дуодаман!

Фақат истагим, ягона истагим, ёзганларимни диққат билан ўқинг. Хулосани охирида қилинг.

Мутолаа чоғида тарафкашлик ва таассуб кўзойнагини кўзингиз ва қалбингиздан олиб қўйинг. Мен ёзганларимнинг ҳар бир сатрини ўз ихтиёрим билан чин дилдан ёзаман. Бу тўғрида тухмат қилиб, синган кўнгилни баттар топташдан ҳазир бўлинг!

Мен ҳаммани яхши кўраман ва ҳаммада яхшилик кўраман.

Мубашшир Аҳмад домла